O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 18-oktabr • Seshanba • 129(27.464) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Аслиддин Рустамов бошқарди.

Дастлаб депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва 2005 йилда кутилаётган ижроси ҳақида»ги масалани муҳокама этдилар. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Баҳром Ашрафхонов ахборот берди.

Маълумки, ЎзХДП Дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, қатор соҳалардаги аҳволни яхшилаш бўйича аниқ йўналишлар, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилган. Албатта, буларнинг амалга оширилиши давлат бюджетининг тақсимланиши, қайси соҳага қанча маблағ ажратилаётганлиги билан бевосита боғлиқ. Шуларни ҳисобга олган фракция аъзолари 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳасига бир нечта таклифларни киритиш ҳақида фикрлар билдирдилар. Қуйи палата ялпи мажлисида ўз таклиф ва мулоҳазаларини ифода этиш ҳақида келишиб олдилар.

Фракция йиғилиши кун тартибидан «Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг муҳокамаси ҳам ўрин олди. Ташқи меҳнат миграциясини қонуний йўлга қўйиш масалалари ҳам партиянинг янги Дастурида илгари сурилган. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзоларининг таклифлари муҳокама этилди ҳамда фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ

Нукус (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев). Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу борада бир неча халқаро лойиҳалар ҳам амалга оширилянти.

ХАЛҚАРО ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

Хусусан, Қораўзак туманида Осиё тараққиёт банкининг молиявий кўмагида яна 5,6 километрлик узунликда қувур ётқизилиб, 4-маҳаллада яшовчи 188 хонадонга, юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда ўрта мактабга тоза ичимлик суви келтирилди.

— Осиё тараққиёт банки гранти асосида 40 минг АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш ишларини бажардик, — дейди тумандаги «Адулар» хусусий корхонасининг раҳбари Қалий Абдиқодиров. — Маблағ ва қурилиш ашёларининг ўз вақтида келтирилиши ишнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлади.

АЛОҚА-ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Хоразмда алоқа-телекоммуникация тармоқларини янгилашга қаратилган давлат дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш ниҳоясига етказилди. Бу жараёнда вилоятнинг шаҳар ва туманлари бўйлаб яна 130 километр масофада шиша толали кабель тармоқлари барпо этилиб, 6,5 минг мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган рақамли телефон алоқаси шохобчалари ишга туширилди. Боғот, Янгиариқ, Янгибозор туманлари ва Питнак шаҳридаги алоқа-телекоммуникация тармоқлари янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Вилоятда асосий эътибор телефон тармоқлари кам бўлган ҳудудларга қаратилиши натижасида марказдан 200-250 чақирим узоқликдаги Тупроққалъа мавзеси аҳли ҳам симсиз алоқа воситаларидан фойдаланишмоқда. Олиб борилган технологик ускуналаш тадбирлари туфайли рақамли алоқа шохобчалари улуши 78 фоизга етди.

Бу йил Урганч телемарказида янгидан 2 та теле ва 3 та радиоузатгич станция ишга туширилди. Бундай замонавий воситалар энди Питнак шаҳри ва Тупроққалъа мавзесида ҳам ишлай бошлади.

Телекоммуникация алоқасини замонавийлаштиришга мўлжалланган ушбу истиқболли лойиҳа Япония ҳукуматининг узоқ муддатли кредити эвазига амалга оширилмоқда. Умуман, бу мамлакатнинг «JBIC» лойиҳаси асосида ажратилган 12,7 миллиард иен миқдоридаги маблағ республикамизнинг барча вилоятларида мазкур ишларни ривожлантиришга сарфланди. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида Японияниг «OECF» жамғармаси томонидан ажратилган 20 миллиард иен ҳисобига Урганч ва Хива шаҳарлари, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Хива, Урганч, Қўшкўпир, Шовот, Гурлан туманларида ҳозирги замон рақамли телефон станциялари барпо этилган эди. Бу тадбирлар натижасида барча шохобчаларнинг доимий ва мукаммал фаолияти таъминланиб, алоқа соҳасидаги камчиликлар барҳам топди.

Ҳусан СОБИРОВ,
ЎзМУ талабаси

Бугуннинг қаҳрамонлари



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАДИ

Истиқлолга эришганимиздан сўнг инсон қадр-қиммати, меҳнатига эътибор тубдан ўзгарди. Хусусан, мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни юксак мукофотлар билан тақдирлаш қутлуғ анъанага айланди.

Давлат мукофотлари орасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан икки нафар юртдошимиз Президентимизнинг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига муносиб кўрилди. Улардан бири — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги Ботирали ТЕМИРОВдир.

...Ботирали аканинг уйидан меҳмон аримайди. Келиб-кетгувчиларнинг саноғи йўқ. Ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, бундай юксак иззат, бундай ғурурдан ҳаяжонда.

Қаҳрамонимиз ўша-ўша, кўпчилик билган оддий, самимий, дилкаш инсон. Қувасойнинг Кўчқорчи қишлоғидан чиққан бу меҳнаткаш инсон, не ажабки, бугун эл-юртимизнинг эътиборини қозониб турибди.

Ботирали деҳқон оиласида туғилгани учун суяги далада қотди. Ерга, ҳалол меҳнатга меҳр қўйиб улғайди. Ўқувчилик пайтлари дарсдан сўнг хўжалик даласига ошиқарди. Ўсмирлик ғайрат-шижоати билан анча-мунча ишни қойиллатиб қўярди. Бирор техника бузилгудек бўлса, дарров ўзи тузатишга киришарди.

У ҳарбий хизматдан тўғри қадрдон даласига қайтди. Бироз муддат ширкат хўжалигида ишлаб юргач, техникага ҳавасманд эмасми, чилангарлик касбига қизиқиб қолди. Шу мақсадда 1971 йили у Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ишга кирди. Ўттиз тўрт йилдирки, Ботирали Темиров ана шу даргоҳда меҳнат қилиб, чилангарлик касбини эзозлаб келади.

Дастлаб шогирдликдан иш бошлаган Ботирали ака тез орада Махпиржон Тошпўлатов, Тошпўлат Раҳимов сингари устозлари сафига қўшилди. Ишдан ажралмаган ҳолда, дастлаб Фарғона индустриал техникумини, сўнгра Фарғона политехника институтининг механика факультетини тамомлади. Бу йиллар давомида чилангарликдан участка устаси даражасига кўтарилди, хорижлик мутахассислар билан лойиҳалаштирилган янги технологик қурилмага машинист этиб тайинланди.

Уч йилдирки, у 1-технологик цех қурилмасида механик бўлиб ишлайди. Бу иш ғоят катта масъулият талаб қилади. Йилига 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, юқори октанли ёнилғига айлантирадиган қурилманинг техник барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас. Ибратли жиҳати шундаки, бугун завод аҳлининг фахрига айланган Ботирали Темиров умр бўйи ҳалол, виждонан меҳнат қилди. Ҳамкасблари ҳурматини қозонди, ўзи каби меҳнатсевар, ғайратли шогирдлар етиштирди.

Ботирали ака етук мутахассис бўлиш билан бирга, бағри кенг оила бошлиғи, меҳрибон ота сифатида турмуш ўртоғи Маҳфуза опа билан икки фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозир уларнинг иккови ҳам ҳаётда ўз йўли, ўз ўрнини топган. Ўз касбингни севсанг, эл-юртинг, оиланг тинч бўлса, сидқидилдан қилган меҳнатинг қадр топса, инсон бахти шунда эмасми?

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг бир кўриниши; Ўзбекистон Қаҳрамони Ботирали Темиров.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Болалар спорти

«РЕВГАР»ДАГИ ҚУВОНЧЛАР

Улуғ олиму уломалар юрти Шофирконда болалар спортини ривожлантириш бўйича белгиланган дастурий режалар бирин-кетин амалга оширилмоқда. Бугун туманнинг қайси қишлоғида бўлманг, у ердаги замонавий спорт мажмуаларига ва унда завқ-шавқ билан шуғулланаётган болаларга кўзингиз тушади. Яқинда эса Бобур номли ширкат хўжалиги марказида — шундоққина катта йўл ёқасида навбатдаги муҳташам спорт кошонаси қад ростлади.

— Ўхшаши йўқ бу болалар спорт мажмуаси, — дейди туман ҳокими ўринбосари Абдураҳмон Шарипов, — қисқа муддатда қуриб битказилди. Унга муносиб ном ҳам топилди — «Ревгар». Бинони бунёд этишда Бухородаги «Мир Кулол» қурилиш-монтаж трести жамоаси ғайрат билан ишлади. Унга жамғарманинг 165 миллион сўми билан бирга ҳомийларнинг 130 миллион сўми сарфланди.

Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам бу иншоотнинг вилоятда ўхшаши йўқ: қўш қаватли, ўта шинам ва жозибадор. Ундан ёпиқ теннис кортлари билан бирга катта ўйингоҳ, кийиниш, ювиниш хоналари ҳам ўрин олган. Энди ҳар куни 60 нафар бола спортнинг 12 тури билан бемалол шуғуллана олади. Яқинда «Ревгар»нинг бағри болаларга тўлди. Унда шу атрофдаги ўнга яқин қишлоқда яшовчи болалар билан турли машғулотлар бошлаб юборилди. Қишлоқ кексаларининг фикрича, энди «Ревгар»дан ҳам жаҳон чемпионлари чиқиши аниқ.

(Ўз мухбиримиз)

ТОКИОДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонасида «Андижон фожиаси» ҳужжатли фильмининг намойиши бўлиб ўтди. Унда Япония ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, олим ва тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Айни кунларда Тошкентда Андижондаги террорчилик ҳаракатларини амалга оширганликда айбланаётган шахслар устидан бораётган суд жараёни очиқлик ва ошкоралик тамойилларига асосланган ҳолда ўтаётгани учрашувда алоҳида таъкидланди. Очиқ суд жараёнида элликка яқин хорижлик журналист ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган йигирмадан зиёд дипломатия ваколатхонаси ва халқаро ташкилотлар вакилларининг иштирок этаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Террорчиларнинг ўзлари томонидан суратга олинган мудҳиш тасвирлар, хуруж иштирокчиларининг кўрсатмалари, таниқли хорижий мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган «Андижон фожиаси» фильми йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Иштирокчилар мазкур фильм Андижон воқеалари атрофидаги барча шубҳа-гумонларга чек қўйиши ҳамда террорчилик ҳаракатларига нохолис баҳо беришга уринаётган айрим кучларнинг асл мақсадларини фош этишини таъкидладилар.

Жумладан, «Эн-Эйч-Кей» телерадиокомпанияси бош муҳаррири Ш.Ишикава 13 май воқеалари пухта тайёргарлик кўрган террорчилар гуруҳи томонидан амалга оширилгани тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу фожиа тафсилотларини очиқ-ойдин муҳокама этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ, Ғарбдаги айрим давлатларнинг халқаро терроризмга қарши курашга ҳамон икки хил меъёрлар асосида ёндошаётгани эса ғоят афсусланарлидир.

«Жаҳон» АА

Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан Хитойнинг Синцзян-Уйғур автоном тумани қишлоқ хўжалиги академияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ВА МАНФААТДОРЛИК

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари Хитой Халқ Республикасининг автоном тумани билан кўп йилдан бери ҳамкорлик қилиб келишади. Андижонликлар пахта ва бошқа техник экинларни плёнка остига экиш, бир гектар ерга 220 минг тупгача ғўза етиштириш имконини берувчи жуфт қатор қилиб экиш услубларини ўзлаштиришди.

Хитой делегацияси бир ҳафта давомида вилоятнинг Избоскан, Хўжаобод, Балиқчи ва Асака туманларидаги ширкат ва фермер хўжаликларида бўлишди. Хорижлик меҳмонлар, шунингдек, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, дончилик, дукакли ўсимликлар, пахтачилик илмий текшириш институтларида бўлиб, андижонлик олим ва деҳқонларнинг тажрибалари билан танишишди.

К.НИЗОМОВ,
«Туркистон-пресс»

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

«Исковуттекс» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошди. Низом жамғармаси 4 миллион 800 минг евродан иборат мазкур корхона Швейцариянинг «Голдекс Финанс АГ», Туркиянинг «Хан Текстиль Сонайи ва Тижорат ЛТД», «Сонмез Метал Ендустри ва Тижорат А.Ш» фирмаларининг ўзаро ҳамкорлигида юзага келди. У Германиянинг энг замонавий йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Бу ерда келгусида йилига уч минг тонна пахта қайта ишланади ва 2600-2700 тонна юқори сифатли калава ип йигирилади.

Айни пайтда корхонада 125 нафар киши меҳнат қилаяпти. Ўтган йилиёқ 1429 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 78 фоизи экспорт қилинган бўлса, жорий йилда экспорт ҳажми ошиб, маҳсулотнинг тўқсон фоизи Туркия, Россия, Белорусия мамлакатларига жўнатилди.

— Шу йилнинг ўзида трикотаж, тикув ва бўёқ цехларини ишга туширишни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона бош директори ўринбосари О.Мухиддинов. — Бу билан яна кўплаб қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

Суратларда: оператор Ҳилола Эгамназарова; бош муҳандис Асим Офлаз, Улуғбек Каримжонов ва Улуғбек Муталибов билан; қадоқлаш ишчиси Акмал Убайдуллаев.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!





Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 18 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	865,67	1 Малайзия ринггити	304,48	1 ЕВРО	1391,05
1 Англия фунт стерлинги	2034,07	1 Польша злотийси	354,93	10 Жанубий Корея вони	11,00
1 Дания кронаси	186,44	1 СДР	1657,42	10 Япония иенаси	100,92
1 БАА дирхами	312,84	1 Туркия лираси	839,82	1 Россия рубли	40,19
1 АҚШ доллари	1148,87	1 Швейцария франки	896,71	1 Украина гривнаси	227,50
1 Миср фунти	199,80				
1 Исландия кронаси	18,92				
1 Канада доллари	972,14				
1 Хитой юани	142,29				

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

ЎЙИНЛАР БИЛАН ХАЛҚНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Андижон воқеаларини содир этишда асосий иштирокчилардан ҳисобланган 15 нафар айбланувчи устидан суд жараёни давом этмоқда. Шу кунгача барча судланувчилар ва жабрланувчилар кўрсатмалари тинглаб бўлинди. Гувоҳлардан кўрсатма олиш ҳам ниҳоясига етмоқда.

Халқда чўкаётган одам хасга ҳам, чўпга ҳам ёпишади, деган гап бор. Ноилож-да, умид қилади қутилиб кетармиканман, деб. Андижондаги фожиаларни ташкил этган, сценарийсини ишлаб чиққан, «устоз»лик қилганларнинг ҳозирги хатти-ҳаракатлари шу мақолни эслатади. Ғарблик қатор журналистлар, сиёсатчилар, ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб даъво қилаётганлар Андижон воқеасининг асл мақсадидан халқаро жамоатчиликни чалғитиш учун аввал «тинч аҳоли ўққа тутилди» деган гапни ўйлаб топиб, дунёга жар солишди. Аммо ҳалигача буни тасдиқловчи бирорта ашёвий далилни судга тақдим этишгани йўқ. Судланувчилар, ўнлаб жабрланувчи ва гувоҳлар уч ҳафта мобайнида берган кўрсатмаларидан «Акромийлар» диний экстремистик ҳаракати қандай пайдо бўлгани, қандай фаолият кўрсатгани, қайси маблағ ҳисобига яшагани, мақсад-муддаоси, Андижон воқеасининг уюштирилиши, содир этилган даҳшатли жиноятлар, уларга кимлар бош-қош бўлгани аниқланмоқда.

Лекин бу террорчилик ҳаракатларининг ташаббускорлари, ғоявий раҳбарлари жамоатчиликни чалғитиш мақсадида янгидан-янги ўйинларни ўйлаб топишмоқда. Судланувчилар берган кўрсатмалар уларнинг сирларини фош эта бошлагач, ташвишга тушиб, дарҳол «улар қийноққа солинган, тазйиққа олинган», деб айюҳаннос солишди. Навбат жабрланувчи ва гувоҳларга келгач, уларни «тайёрлашган», деб даъво қилишди. Юз нафардан зиёд жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари судланувчилар кўрсатмалари билан бир-бирига мантиқан боғланганини масалага холис ёндошган ҳар бир одам кўриб, англаб турибди. Лекин, Ғарбдаги оммавий ахборот воситаларида бу кўрсатмаларга ҳам бошқача тус берилиб талқин қилина бошланди.

14 октябрь куни эса интернетнинг Фергана.Ру. сайтида, Би-Би-Си ва «Озодлик» радиоси тўлқинларида, Европанинг қатор оммавий ахборот воситаларида яшин тезлигида бир хабар тарқалди. «Тошкентдаги судда сенсация: воқеалар гувоҳи аҳоли ўққа тутилганини айтди», «Андижонда солдатлар «биринчи бўлиб отишди», «Гувоҳнинг тасдиқлашича, солдатлар қуролсиз одамларга ўқ отишган», «Андижон воқеалари бўйича суд спектакли худди совун кўпигидек ёрилиб кетди» каби сарлавҳалар интернет сайтларини босиб кетди. 14 октябрь куни гувоҳ сифатида кўрсатма берган Маҳбуба Зокированинг гапларини шов-шув қилиб, оламга ёйишмоқда.

Андижон воқеасини бошидан бошлаб бузиб кўрсатиб, турли афсоналар тўқиб келаётганлар гўё сеҳрли таёқча топиб олгандек хурсанд кўринишади. Уларнинг талқини бўйича «Мана, ниҳоят бир ҳақиқатчи гувоҳ топилди, ниҳоят рост гап айтилди».

Масалага холис баҳо бериш, тўғри хулоса чиқариб олиш учун айюҳаннос солмасдан, Маҳбуба Зокирова кўрсатмалари устида хотиржам фикр юритишга тўғри келади.

Хўш, бу гувоҳ судда қандай кўрсатма беради?

Унинг айтишича, 12 май туғилган куни бўлганлиги сабабли, ҳар йили турмуш ўртоғи фарзандлари билан шаҳарга айлантиргани олиб чиқарди. Ўша куни эса эри ишдан кеч қолгани учун (аслида эри Тошкентда бўлган. С.О.) ўзи эртасига, яъни 13 май куни тўрт нафар боласини олиб шаҳарга чиққан. «Шаҳардаги боғга борганимда, ҳокимият биноси олдида жуда кўп одам йиғилганини кўрдим. Оломон нима қилаётган экан, деб қизиқиб, ўша ерга бордим. У ерда менга ўхшаган аёллар болалари билан юришган экан. У ерда қуролланган бир-иккита одам ҳам бор эди, уларни қоровул деб ўйладим».

Шу ерда йўл-йўлакай баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Зокированинг «У ерда қуролланган бир-иккита одам ҳам бор эди, уларни қоровул деб ўйладим» деган гапи кишини таажжубга солади. Қуролланган одамлар сонини бир-иккита деб атайлаб урғу бермаяптими? Иккинчидан: истироҳат боғи ёки шаҳар марказидаги майдонга ҳеч қачон қуролланган қоровул қўйилмаган-ку!

Унинг кўрсатмалари давомига эътибор берайлик: «Ўша ерда турдик, кўпчилик, айниқса, инвалидлар, аёллар чиқиб, ҳар хил гапларни гапиришди. Бир ёши кексароқ одамни сўзга олиб чиқишди, у нималардир деди... Президент келар экан, дейишди. Ростдан ҳам келар экан, деб кутиб ўтирдик.

...Мен чеккада эдим, йўлнинг чеккасидан солдатлар келишиб, тариллатиб ўқ отишди. Ёнимда биттаси ётиб қолди, бир қиз «оёғимга тегди» деб бақирди. Мен ростдан тегдими десам, у «йўқ тапочкамнинг товонига тегибди», деб айтди. Қарасам, ростдан ҳам ўқ тапочкага теккан экан. Мен «вой, ўқ экан» деб қўрқиб кетдим».

Қаранг, солдатлар келиб тариллатиб отишганда қўрқмай турган аёл ёнидаги бир қизчанинг тапочкаси товонига ўқ текканини кўриб «вой, ўқ экан», деб қўрқиб кетибди. Нимадир ноаниқдай, нотабиийдек туюлмайдими?

«Қуролланганлар «аёллар ичкарига кирсин, уларга ўқ тегмасин, деб айтишди. Қуролланганлар йўқ ҳисобида эди. Аксарияти қуролланмаган болалар, эркаклар эди... Шундан кейин ичкаридан 5-10 та одамни олиб чиқиб, «бу давлат одамларини олдинга қўйсак, бизга, халққа қараб отишмайди, қўрқманглар» деб айтишди...

Бироз юрдик... Кейин роса отишма бўлди. Буни айтишга сўз ожиз, урушда ҳам бундай бўлмаган... Ўша пайтларни эсласам қўрқиб кетаман. У ҳам майли, ундан ҳам даҳшатлиси бор. Кетдик. Ўша қуролланган одамларда қуроли борми-йўқми билмадим, балки бўлгандир. Бироқ бу одамлар отишмади...»

У ўз кўрсатмасида «қуролланган одамлар йўқлиги, битта-иккита бор бўлса ҳам улар ҳеч кимни отмаган эди», деган гапни атайлаб айтаётганга ўхшамайдими?

Хуллас, у қаттиқ отишмалар билан Қирғизистон чегарасига боришганини гапириб, «Қирғизистон солдатлари бизларни текширишди. Ҳеч кимда қурол чиқмади», деб негадир яна қуролга урғу беради. Қирғизистонга ўтилгандан кейинги ҳикоясини шундай бошлади: «Қирғизистон Республикасининг катталари келиб «қайтинглар, булар бизнинг қўшнимиз» деб айтишди. Биз уларга «бизни отиб юборишадику, ўқдан қочиб, яна қайтиб борамизми, сизлар отиб юборсанглар ҳам майли, шу ерда қоламиз, қайтмаймиз, қўрқамиз дедик. Ростдан ҳам дедик».

Қаранг, унга худди биров «гапинг ёлғон», деб эътироз билдираётгандек «ростдан ҳам дедик» деб қўшиб қўяди. Ўша ерда ростдан ҳам шунақа дейишган бўлиши мумкин. Аммо, бу гапни ҳам улар ўз ихтиёрлари билан айтишганми, ўргатилганми, бу ёғи қоронғу, албатта.

Кўрсатмаси охирида айтишича, болалари касал бўлиб шифохонага тушиб қолган, кетидан турмуш ўртоғи, акаси, туман ҳокими, шаҳар ҳокими, маҳалла оқсоқоли касалхонага келишган.

Гувоҳларнинг айтишича, у билан суҳбатлашилгач, ўзи рози бўлиб, ортга қайтган.

Суд жараёнида берилган саволларга унинг жавоблари ҳам ғалати бўлди. У гаровга олинганларни ҳам, қуролларни ҳам, қуролланганларни ҳам кўрмадим, дейди.

Унга шаҳар айланишга чиққан одам тўрт нафар боласи ёки саккиз ойлик чақалоғи билан эрталаб соат 10 дан кеч 18 гача нега оломон ичида бўлгани, нима учун уйига қайтиб кетмаганини сўрашганда қўрқиб кетганини сабаб қилиб кўрсатди.

Унинг ҳикоясида воқеалар шундай тасвирланадики, буларни бошидан ўтказган одам ҳаяжонсиз, кўз-ёшсиз гапиролмайди, айниқса аёл киши. Лекин у ҳар икки гапнинг бирида «иннан кейин», «иннан кейин» деб қўярди, гап оҳангидан гўё биров уқтирган, омонат гапларни айтаётгандек, худди ёдлаб олган нарсасидан ташқарига чиқиб кетишдан чўчиётгандек гапирарди.

Унинг кўрсатмалари икки нарсани англатади. Биринчиси — хорижлик кўпгина мухбирлар суд бошидан буён «гувоҳлар ҳам тайёрланган, тазйиқ остида бир хил гапиришяпти», деб шубҳа-гумонга боришганди. М.Зокированинг судга чақирилиши ва гаплари гувоҳларга ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганини кўрсатмайдими? Агар гувоҳлар билан «ишланган» бўлса Зокирова қаердан келиб қолди, у судга чақирилмасди-ку.

Иккинчиси — пусиб юрган ёки четга чиқиб кетган «Акромий»ларнинг ўзлари бу аёлни судга тайёрлашмадимикин? Бу йўлни уларга узоқдаги «раҳнамолари» ўргатмадимикин?

Шу ўринда яна бир саволга аниқлик киритиш лозим бўлади. Хўш, Зокирова Маҳбуба ким ўзи?

У 1972 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 8-синф маълумотига эга. Уй бекаси. Андижон туманидаги Хокон қишлоғида яшайди.

Зокирова судда яқин қариндошларидан икки нафари Мўминова Зулхумор ва Мўминова Розия Руминияга олиб кетилганлар орасида эканлигини айтди. Суд жараёнида аниқланишича, унинг яқин қариндошларидан Мўминова Хуршида, Мўминова Дилрабо, Мўминова Дилмура ҳам ҳозир Руминияда. Андижондаги хунрезликларнинг иштирокчиси бўлмиш акаси Зокиров Абдулазизнинг иши эса терговга оширилган. «Акромийлар» ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлган акаларидан яна бири Зокиров Махаммаджонга нисбатан қидирув эълон қилинган.

Маълумки, «Акромийлар» оқимига алоқадор оилалардаги аёллар ва қамоқда ётган экстремистларнинг оналари, хотинлари, опа-сингиллари ҳам бир-бирларини майдонга чақиришган. «Акромийлар» орасида Зокированинг яқин қариндошлари борлигидан кўринадики, у ҳам уларнинг таъсиридан четда қолмаган.

Табиийки, масаланинг бу жиҳатлари Андижон воқеасини ташкил қилишда, қўллаб-қувватлашда, воқеаларни бузиб кўрсатишда қатнашганларни қизиқтирмайди.

Куни кеча Андижон вилояти бўйича газетамиз мухбири А.Солиев Маҳбуба Зокирова яшайдиган маҳаллада бўлиб қайтди. **Маҳбубанинг қайнонаси Холисхон Зокирова сўзидан:** «...Олти нафар келиним бор, Маҳбубахондан бошқа ҳаммаси эсли-ҳушли. Лекин, Маҳбубахон номуносиб йўлни тутди, 4 нафар набирамни сарғайтириб, ўғлим Ғофиржонга ҳам қийин бўлди. Ғофиржон янги уй қураётган эди, эл қатори яшаётганди. У тўғри йўлни тушунмади, айниқса судда гапирганларини эшитдим, қўшилмайман бу гапларга...»

Хокон қишлоқ фуқаролар йиғини бош маслаҳатчиси Зухрахон Ғофурова сўзидан: «...Қирғизистоннинг Сузоқ туманидаги қочоқлар лагерига бориб тушунтирганимизда Зокирова Маҳбуба ўзи рози бўлиб 4 нафар фарзандини олиб, биз билан бирга келди.

Зокированинг судда берган кўрсатмаларини эшитиб ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир шундай улуғ моҳи рамазон кунида ёлғон гапирганни Оллоҳ ҳам кечирмаса керак. Менимча, Зокирова бу кўрсатмаси моҳиятини ўзи тушунмаган ҳолда, кимнингдир таъсирида айтган бўлиши мумкин».

Зокирова кўрсатма берган куни яна олти нафар гувоҳнинг кўрган-билганлари тингланди. Улардан бирортасининг гапи Зокирова айтганларига мос келмайди. Ўша куни яна бир муҳим гувоҳ — «Акромийлар» хатти-ҳаракатини саккиз кун давомида видеотасвирга туширган Одилжон Усмонов (у «Акромийлар»нинг бошқа гуруҳида тергов қилинмоқда) Зокирова кўрсатмаларига мутлақо зид маълумотларни берди. Усмонов пикет ташкилотчиларидан бири Шавкат Шокиров топшириғига кўра, у берган «Панасоник» видеокамераси билан май ойи бошида Андижон вилояти суди биноси олдида пикет уюштирган «Акромийлар» ва уларнинг оила аъзоларини, ҳокимият биноси олдида 300-350 нафар атрофида қуролланган кишиларни, қамоқдан озод этилганларни, митингда сўзга чиққанларни, гаровга олинганларни, ёқиб юборилган машиналар ва театрларни тасвирга олгани, батарейкаси тугаб қолгач, видеокамерани қайтариб берганини айтди. У ёлғон гапириши мумкин эмаслигини яхши билади. Чунки, воқеалар тасвирга туширилган тасмалар тергов томонидан судга тақдим этилган. Ҳар қандай ёлғонни видеотасвирлар дарҳол фош этиши мумкин.

Судга раислик қилувчи ва давлат айбловчиси саволларига берган жавобларида у кўрсатмани ўз хоҳиши билан бераётгани, майдонда тўпланган одамларга нисбатан ҳукумат кучлари томонидан ҳеч қандай ҳаракат бўлмагани, ҳокимият биноси атрофида ҳукумат кучларини кўрмагани, қуролланган одамлар тўпланганлар тарқалиб кетмаслиги учун атрофни ўраб туришга қўйилгани, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини қуролли кишилар гаровда ушлаб турганги, театрлар ва машиналарни ёқишдан мақсад ваҳима кўтариб, одамларни кўпроқ жалб этиш бўлганини аниқ-тиниқ гапириб берди.

Афсуски, унинг кўрсатмаларини хорижлик инсон ҳуқуқлари «ҳимоячилари» эшитишса-да пинакларини бузишмаяпти. Лекин ўзлари манфаатдор бўлган энг майда гапни ҳам шов-шувга айлантиришга ёппасига киришишади. Арзигулик гап топилавермаса, нималарнидир қистириб кетишади. Би-Би-Си ўзбек радиоси тарқатган хабарда «қўлларига кишан солинган ҳолда маҳкама биносига олиб кирилган Одилжон Усмонов...» — дея таъкидланади. Ваҳоланки, у қўлида кишан билан суд залига олиб кирилгани йўқ. Буни видеотасвирда қайта кўрса бўлади.

Ўзбекистон ҳукумати кучлари «тинч намойишчиларни ўққа тутди», деб жар солаётганлар нега ўзларига оддий бир саволни беришмайди: «Тинч намойиш қилиб турган аҳолига ўқ отишга бирор сабаб бормиди?» Неча марта такрорланди, қанча гувоҳ айтди-ку, майдонда ҳеч қандай отишма бўлмаганини, ҳатто ҳукумат кучлари бу ерга яқин йўламаганини.

Инсоф юзасидан фикрлайлик, отишмани ким бошлади, бегуноҳ одамларни ким гаровга олди, ўз бурчини ўтаб турган ҳарбийларни, ички ишлар ходимларини ким отиб ташлади, қамоқдаги ашаддий жиноятчиларни ким чиқариб юборди, ким театрларни, фуқароларга ва идораларга тегишли машиналарни ёқиб юборди, вилоят ҳокимлиги биносини ким эгаллаб олиб, вайрон қилди?.. Инсон ҳуқуқи «ҳимоячилари» кўзига нега бир томон кўриниб, иккинчи томон кўринмайди?

Ўйинлар билан халқни алдаб бўлмайди, лойқаланган сув вақти-соати билан тинганидек, бу воқеалар ҳам ўз баҳосини олади.

Сафар ОСТОНОВ

Бугун — Самарқанд шаҳри куни

ИЛОҲИЙ МАСКАН



Маълумки, XIV-XV асрларда қудратли салтанат барпо этиб, Самарқандни ўзбек давлатчилигининг пойтахтига айлантирган соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бундан тўққиз йил муқаддам 18 октябрда шу муқаддас шаҳарда катта тантаналар билан нишонланган эди. Ўшанда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Самарқанд байроғига биринчи рақамли «Амир Темур» орденини қадар экан, бундан буён 18 октябрни Самарқанд шаҳри куни сифатида нишонлашни таклиф қилган эдилар. Ана шундан бери ушбу сана ҳар йили самарқандликлар ва меҳмонлар томонидан улуғ байрам сифатида нишонланиб келинмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йилги байрам қувончли воқеаларга бойлиги билан ҳар йилгисидан кўра азиз ва мўътабардир. Чунки бу сана биринчидан, муқаддас Рамазон ойига тўғри келган бўлса, иккинчидан, вилоят меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини ёруғ юз билан бажардилар.

1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги номигагина, илмий асосланмасдан нишонланган эди. Собиқ иттифоқ даврида шўро мафкурачилари тарихимизни камситиб, археологияга оид илмий тадқиқотларни нотўғри талқин қилишлари оқибатида мана шундай хулоса чиқарилган эди. Ўша пайтлари бир гуруҳ тарихчи олим ва археологлар Самарқанднинг ёши камида уч ёки тўрт минг йил билан белгиланиши керак, деб ҳисоблардилар. Бунинг боиси, Самарқанд яқинидаги қадимий Афросиёб харобаларидан топилган ашёлар шаҳарнинг ёши бир неча минг йилга бориб тақалишини кўрсатарди. Ёки шаҳарнинг айрим мавзеларида қазиш ишлари олиб борилганда, кўплаб каналларнинг ўрни борлиги, топилган ашёлар салкам уч минг йилга бориб тақалиши олимлар томонидан исботланди. Бироқ бу маълумотлар ўша даврда эътиборга олинмади ва шу тариқа Самарқанднинг ёши 2500 йил деб ҳисобланиб келинди.

Сўнгги йиллар давомида ўзбекистонлик олимлар Самарқанднинг ёшини аниқлаштириш бўйича франциялик археологлар билан ҳамкорликда Афросиёб шаҳри харобаларида қазиш ишлари олиб бордилар ва оқибатда шаҳар мудофаа деворининг остида яна бир девор қолдиғи топилди. Ўзбек — француз экспедициясининг самарали изланишлари туфайли Афросиёбдаги дастлабки шаҳар девори бундан тахминан уч минг йил олдин барпо қилинган, деган хулосани беради.

— Бу санани исботловчи археологик материаллар, олиб борилган илмий лаборатория хулосалари ҳамда сўнгги текширишлар асосида Самарқанднинг ёши 3000 йилга тенглиги энг нуфузли халқаро илмий марказларда аниқланди, дейишга тўла асос бор, — дейишмоқда тажрибали мутахассислар.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг қадимий шуҳратини тиклаш, унинг жаҳон узра обрўйини тобора юксалтириш йўлида беқиёс ишлар амалга оширилди. Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанддаги мозий дурдоналари — кўҳна ёдгорлик ва осори-атиқаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси деб белгиланди. Айниқса, кейинги бир-икки йил ичида шаҳарнинг марказий хиёбонлари, кўча ва йўлларини таъмирлаш, янгидан барпо этиш бўйича олиб борилган кенг қамровли бунёдкорлик ишларидан сўнг бугун қадимий шаҳар қиёфаси ўзгариб, таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетди.

Истиқлол йилларида Самарқандда тарих ва бугун уйғунлиги, узвийлиги йўлида қилинаётган ишлар, бажарилаётган юмушлар янги мактаб, коллеж, лицейлар, осмонўпар бинолар, хиёбонлар, равон йўллар Юртбошимиз таъбири билан айтганда, илоҳий масканга узукка кўз қўйгандай ярашмоқда.

САМАРҚАНД

О, гўзал Самарқанд! Ватаним менинг,
Боболардан мерос жон-таним менинг.
Ўзбекман, фидойи, фарзандман сенга,
Сен боис имконим, имоним менинг.

Дунё чаманининг бир дуридурсан,
Жаҳонгир бобонинг суруридурсан.
Пойингда ёғийлар бераверар жон,
Ҳар битта ўзбекнинг ғуруридирсан.

Замона шиддаткор, карвон ортидан,
Тушиб қолган эллар, элатлар қанча.
Буюк момомизнинг хотирасидан
Тўкилган ривоят, ҳикматлар қанча.

Нима эккан бўлсанг ўрасан шуни —
Омонат дунёнинг ҳикмати аён.
Юртимга истиқлол юз бурган куни
Яна ўз боғига қайтди Кўрагон.

Қўлларим кўксимда, дилимда туғён,
Бугун бекор бўлди барча ҳадиклар.
Жумлаи жаҳондан келса гар меҳмон,
Кутиб олажакдир самарқандликлар.

Исматулла ЙЎЛДОШЕВ

ҚИШЛОҚДА ҲАМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

«Пахта банк»нинг Пахтакор туман бўлимида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини шакллантириш, бунинг учун жойларда пластик карточкалардан ўринли ва унумли фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, йил бошидан бери саккиз жойга шундай карточкалардан фойдаланиш имконини берувчи терминаль мосламалар ўрнатилди.

— «Номхўжа бобо» хусусий овқатланиш ва савдо корхонасида туманимизда биринчилардан бўлиб ҳисоб-китоблар чоғида пластик карточкалардан фойдаланишга ўтилди, — дейди банк бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Анваржон Норқулов. — Ҳозирнинг ўзида қишлоқдаги 700 нафар фуқаронинг қўлида шундай карточкаларимиз бор.

Йил охиригача бундай «электрон ҳамёнлар» сонини 1500 тага етказиш ниятимиз бор.

— Овқатланиш ёки рўзғор учун, ё бўлмаса ул-бул харид қилишга накд пул кўтариб юришнинг ҳожати йўқ экан, — дейди фуқаро Абдужамил Алибеков. — Пластик карточка мушкулимизни осон қилаяпти. Очиғи, бундай қулайликлар бизнинг қишлоқларга ҳам кириб келишини тасаввур қилолмасдик.

Суратларда: *банк бўлими мутахассислари Элдор Ҳамроқулов билан Холдорбек Қўшбоқовлар; банк фаолиятидан лавҳа.*



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«Пахта — 2005»

АНДИЖОННИНГ ЮКСАК ХИРМОНИ

ВИЛОЯТНИНГ 310 МИНГ ТОННАЛИК УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ ТИКЛАНДИ. ПАХТАКОРЛАР ШАРТНОМА РЕЖАСИГА ҚЎШИМЧА ЯНА 20 МИНГ ТОННА ҲОСИЛ ТОПШИРИШГА СЎЗ БЕРДИЛАР

Бугун вилоят пахтазорларида, шаҳар ва қишлоқларида меҳнат байрами. Деҳқончиликнинг миришкорлик мактабини яратган андижонликларнинг ўз анъаналари, ўз тажрибалари бор: изланувчанлик, интилувчанлик, янгиликларни дадил қўллаш ва ҳалол, мардона меҳнат...

Куз ғалвири кўтарилганида кимнинг қандай ишлагани кўриниб қолади. Сидқидилдан тер тўкканларнинг хирмони ҳамманинг ҳавасини келтиради. Масалан, Олтинкўл тумани пахтакорлари вилоятдагина эмас, балки Фарғона водийсида шартнома режасини биринчи бўлиб бажардилар. Улар изидан Шаҳрихон тумани деҳқонлари хирмони бўй кўрсатди. Сўнгра баликчиликлар намуна бўлишди. Кейин барча ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этган Улуғнор тумани меҳнат аҳли ҳам маррага етди... Избоскан, Булоқбоши, Бўз, Пахтаобод, Хўжаобод... кетма-кет келдилар. Андижон, Асака, Жалақудуқ, Марҳамат, Қўрғонтепа ҳам бугун-эрта... эҳтимол, ушбу сатрлар газетада чоп этилган куни бирга-лашиб келиб қолсалар ҳам ажабмас...

Хуллас, вилоятда марра эгалланди, иқтисодий самарачи?

Шаҳрихон туманидаги академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, ЎзХДП фаоли Ўрмонжон БОЗОРБОЕВ:

— Ҳозир хўжалигимизда шартнома режаси бир юз қирққа қараб кетаяпти. Ҳосилнинг 130 фоизи юқори навга топширилди. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Сифатли ҳосил даромадга барака киритди: у тахминимизча 1 миллиард 100 миллион сўм бўлиши кутилмоқда...

Бу йил кимёвий дориларни кам ишлатиш эвазига ҳам 29 миллион 300 минг сўмни иқтисод қилдик. Биологик усулдан фойдаланиш жараёнлари асқотди. Ёнилғининг ўзидан 22 миллион сўм тежадик. 939 тонна пахта уруғликка топширилгани ҳисобига даромадга 50-60 миллион сўм қўшиляпти. «Тома-тома кўл бўлур...» деган ҳикматнинг мағзи шу бўлса керак...

Дарвоқе, хўжалик деҳқонлари бу йил 572 гектар ерга «Оққўрғон-2» пахта навини экиб, 1758 тонналик хирмонни барвақт тиклашди ва мажбурият ҳисобига ҳосил топширмоқдалар. Сўнгги кунларда бу ерда ялпи хирмон 2000 тоннадан ошиб, ҳосилдорлик 48 центнерга етди.

Жалақудуқ туманидаги «Қўштепа» ширкат хўжалиги деҳқонлари эккан чигитлар энди униб чиққан пайтда ер бетини қор қоплади. Ўшанда қор далага эмас, нақ деҳқоннинг қалбига ёғди. Бу ҳам кам бўлгандек, айни май ойидаги шиддатли дўл қанча-қанча майдонларнинг ғўзаларини савалаб кетди...

— Ўша кезлари деҳқонларимиз довдираб қолмади, — дейди **ЎзХДП аъзоси, «Қўштепа» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Кудратбек ҲАЙДАРОВ.** — Тезда табиий офат оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрдик. Вилоят, туман ҳокимликлари амалий ёрдам кўрсатишди. Баъзи майдонларга чигит қайта экилди, ола бўлиб қолган пайкаллар тўлдирилди, ғўзасига қўшимча ишлов берилди. Натижани кўриб турибсиз: кўкламги заҳматлар қувонч билан унут бўлди.

«Андижон» ширкат хўжалиги деҳқонлари Пахтаобод туманида пешқадамлик қилиб, тарозига 2205 тоннадан зиёд ҳосил қўйдилар. Хўжаликнинг 400 гектар ери тошлоқ эканлиги эътиборга олинса, бу чинакам миришкорона меҳнат якунидир. Шу хўжаликнинг Абдулбоқи Аҳмедов етакчилик қилаётган 23-бош пудрат жамоаси гектар бошига 32 центнердан ҳосил кўтарганлиги, вилоятда беринчи бўлиб зафар қучганлиги ва боз устига, ҳозиргача ҳосилдорликни 39 центнерга етказганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

...Мухтасар айтганда, андижонлик пахтакорларнинг ўзларига хос миришкорликлари юксак хирмон билан кўзга яққол кўринди. Таъбир жоиз бўлса, улар бу йил ўз мардона меҳнатлари билан юрт ютуғини кўролмаётган айрим ҳасадгўй гуруҳларга муносиб жавоб қилдилар. Зеро, вилоят пахта хирмони ҳали яна кўкка бўй чўзмоқда...

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: Шаҳрихон туманидаги академик Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг илғор теримчиси Гулнора Маматқулова; шу хўжаликнинг учинчи бригада етакчиси Абдумутал Шерғозиев (ўнгда) теримчилар — Нодира Бобоева ва Иқбол Юсуповлар билан пахтазорда.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

XORIJDA

ДАХЛСИЗЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Украина президенти Виктор Юшченко агар журналист Георгий Гонгадзе ўлими ҳақидаги ишда собиқ президент Леонид Кучма иштироки аниқланадиган бўлса, у дахлсизликдан маҳрум қилинишини айтди.

Мамлакат раҳбари ҳали қотиллик ташкилотчиси ва буюртмачисини топиш зарурлигини таъкидлади.

Марҳум журналистнинг турмуш ўртоғи Мирослава эрининг ўлимига собиқ президент Леонид Кучма, Олий Раданинг собиқ раиси Владимир Литвин ва Украина ИИВ собиқ раҳбари Юрий Кравченко алоқадор деб ҳисобламоқда.

ОВОЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шанба куни Ироқда янги конституция лойиҳаси бўйича референдум ўтказилди. Референдумда сайловчиларнинг 60 фоизи қатнашди.

Сайловнинг расмий натижалари 24 октябргача эълон қилиниши режалаштирилган.

Тафсилот

ҲАЁТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Ўтган ҳафтанинг шанба куни Қабарда Болқорияда мотам куни деб эълон қилинди. Мамлакат президенти Арсен Каноковнинг буйруғига кўра, республика бўйича давлат байроқлари тушириб қўйилди, кўнгилочар тадбирлар бекор қилинди. Каноков мотам кунини эълон қиларкан, террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдириб, жабр кўрганларга 50 минг рублдан ажратишини таъкидлади.

Қабарда Болқория Ички ишлар вазирлиги террорчиларга қарши олиб борилган жанглар натижасида 24 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ва 12 нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлганини маълум қилди.

Жанглар давомида ўлдирилган жангарилар сони тўқсон биттага етди. Уларнинг ичида ўта хавфли террорчи, ўтган йилнинг охирида Қабарда Болқориянинг Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш давлат қўмитасига ҳужум уюштирган Илёс Горчхонов ҳам бор. Федерал кучлар томонидан жиноят содир этганликда айбланиб қўлга олинаётган шахслар сони ортиб бормоқда. Хавфсизлик кучларининг ҳисоб-китобига кўра, асосий воқеалар рўй берган пойтахт Нальчикда террорчилик ҳаракати иштирокчиларининг йигирмага яқини беркиниб олган.

Давом этаётган махсус амалиётларга қарамай ўтган ҳафтада террорчилар ҳужумидан талафот кўрган Нальчик одатий ҳаётга қайтмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар марказига айланган аэропорт ишлай бошлади. Темир йўл ва транспорт қатнови изга тушди.

Арсен Каноков террорни «Ярмук» жамоатининг юзлаб жангарилари содир этганлигини айтиб ўтганди. Хўш, «Ярмук» жамоати кимлардан иборат?

Аввало, Шимолий Кавказнинг энг тинч ҳудудларидан бири ҳисобланган Қабарда Болқорияда тўқнашувларнинг содир бўлиши кейинги йилларда жангарилар фаоллиги ошганидан далолат беради.

13 октябрь куни Нальчикда содир этилган террорчиликлар учун масъулиятни «Ярмук» жамоати ўз бўйнига олди. Бу гуруҳ ҳақида дастлаб 2002 йилда маълум қилинганди.

«Ярмук»ка Муслим Отоев томонидан асос солинганди. Эльбруснинг тоғли воҳаларида туғилган Отоев олий маълумотга эга эди. У 1999 йилда Қабарда Болқория террорчи гуруҳларининг таъсирига тушиб қолган. 2000-2001 йилларда маслакдошлари билан биргаликда бир неча лагерларда тайёргарликдан ўтиб Грузияда қўним топади.

Грузияда чечен дала қўмондони Руслан Гелаев қўлида тайёргарликдан ўтгач, қабардин ва балқорлардан иборат бўлинмага қўмондонлик қила бошлайди.

2005 йилнинг январида Отоев ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бартараф этилган. Бироқ шунга қарамай ҳунрезликлар давом этмоқда.

13 январдаги воқеалар учун жавобгарликни «Ярмук» ўз бўйнига олгани билан мутахассислар бу ерда Чечен жангариларининг иштироки ҳам бор, деб ҳисобламоқда. Чунки Нальчикдаги воқеалар 2004 йилда Ингушетияда рўй берган воқеаларга ўхшаб кетади. Жамоатнинг «Кавказ фронти»га қўшилгани бу борадаги гумонларни янада асосли қилиб кўрсатади.

«Кавказ фронти» 2005 йилда Чечен жангариларининг янги етакчиси Абдул-Ҳалим Саъдуллаев буйруғига биноан ташкил этилганди. Абдул-Ҳалим Саъдуллаев ўлдирилган Аслан Масхадов ўрнини эгаллаганди.

Масхадов ўз даврида ҳарбий ҳаракатларни Чеченистон ҳудудларидан чиқармасликка ҳаракат қиларди. Бироқ Саъдуллаев Чечен отрядлари раҳбарлари босими остида Масхадовнинг стратегиясини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Хуршид РАУПОВ

Интер-спорт

РУИЗ ВАЛУЕВ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ

Профессионал боксчинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони Жон Руиз россиялик Николай Валуев билан учрашишга рози эканини билдирди. Боксчининг иш юритувчиси Дон Кинг бу ҳақда расмий маълумот бермаган бўлса-да, учрашувнинг Германияда 17 декабрь куни ўтказилиши мўлжалланмоқда.



Руиз ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилиш мақомига эга. 32 ёшли Николай эса WBA йўналиши бўйича чемпионликка даъвогарлик ҳуқуқини шу йил октябрь ойида америкалик Ларри Дональдни енгиб қўлга киритган эди. Россияда ҳозирча профессионал бокс бўйича ҳали бирон киши ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлган эмас. Лекин Валуев ҳозирча енгилмас боксчи номини олиб турибди. У 42 ғалабадан 31 тасини нокаут билан якунлаган.

ТИРИК МУРАББИЙГА ҲАЙКАЛ

Лондоннинг «Челси» футбол клуби бош мураббийи Жозе Моуриньюга тириклигидаёқ ҳайкал ўрнатилди. У Лиссабондаги тўқимачилик саноати музейидан жой олди. 60 килограммли ҳайкални маҳаллий ҳайкалтарош Жозе Куэлью яратган бўлиб, унинг устига алоҳида матодан тайёрланган пальто кийгизиб қўйилган.



Гап шундаки, бу пальто португалиялик мураббий ўз жамоаси рақибини мағлубиятга учратаётган пайтда заҳира курсисида ўтирган чоғида унинг елкасига ташланган эди.

Пальто машҳур мураббийнинг рафиқаси томонидан 1200 фунт стерлингга сотиб олинган. Лекин бу либоснинг музейга келтирилиши эса 22 минг фунт стерлингга тушди. Чунки, кимошди савдосида пальто ана шундай баҳоланган. Умри узоқ бўлсину, мураббийнинг вақт-соати етиб қолса, унинг буюмларини савдога қўйиш билан мўмайгина сармоя ишлаш мумкин, деган фикрлар юрибди.

Инсон қадри ва миллат шаъни

ШАРҚОНА МАЪНАВИЯТ — АСЛ ДЕМОКРАТИЯ

Биз мусулмон бўлиб туғилганмиз ва мусулмон бўлиб яшаймиз. Ўзбек бўлиб дунёга келганмиз ва ўзбеклигимизча қоламиз. Туғилганда шарқона одоб билан йўргакланганмиз ва шу одоб ҳаётимиз мезони бўлиб қолади. Ўз қадрини билган халқмиз ва шаънимизни шарафлай оламиз. Ўзбек миллий давлатчилигини ярата олган қавммиз ва келажаги буюк давлат қуришга қодирмиз. Ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам. Биз ҳақимиздаги ҳақиқат ана шундай.

Бироқ бизга ўргатишяпти. Нимани дейсизми? Кўп нарсани. Айтайлик, қандай яшашни, қанча туғишни, беҳаёликни, ҳар ким ўзича яшаб ва фақат ўзи ҳақида ўйлашни, эътиқодсизликни, атрофдагиларга эътиборсизликни, меҳр-оқибатни инсонга, болага, муҳтожга эмас, ҳар хил жониворларга кўрсатишни, миллий маънавият ва миллий қадриятларни унутишни ўргатишяпти. Бу борада сарфланаётган маблағларнинг ҳисоб-китоби, ташкил этилаётган фондлару норасмий идораларнинг, юборилаётган маслаҳатчилару миссионерларнинг, уюштирилаётган семинарлар-у тузилаётган дастурларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳаммаси «демократия» деган чиройли сўз билан ниқобланган. Тавба, дейсан баъзан беихтиёр ўзингга ўзинг, бизни, яъни жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқни қайта тарбияламоқчи бўлишяпти?! Ўзгаларга эргашаётган юртдошларимни кўриб уялиб кетаман. Наҳотки, ўзгаларнинг беҳаё маънавияти, ғайритабиий қилиқлари, сунъий равишда оммалаштирилаётган одатлари биз учун «ибрат» бўлса?! Бу биз учун ахлоқсизлик, одобсизлик, уятсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас.

Ҳозир бизга бу нарса вабодек хавф солиб турибди.

Гапимиз қуруқ бўлмасин. Тошкентда нима кўп, хушманзара хиёбон кўп. Уларда сайр қилсангиз роҳатланасиз. Айниқса, туш пайтида шундай жойларда чарчоқни чиқаришга нима етсин. Бироқ хушманзара хиёбонларни беҳаё ёшлар бирин-кетин «забт» этишяпти. Бу ерларга ёш болалар ҳам, катталар ҳам уялиб киролмай қолишяпти. Чунки қаёққа қараманг қучоқлашиб, қапишиб, ўпишиб турган ёшларни кўрасиз. Қарамайин дейсиз, бироқ шайтон ўлгур кўнгилга ғулғула солиб: «Сенлар миллий маънавият ҳақида сафсата сотаверинглар, мен эса ёшларингни йўлдан оздираверaман» дегандай бўлади.

Ҳирсий ҳиссиётлар ва эҳтиросларга қараб хиёбонлар «ихтисослашиб» бораётганлигига нима дейсиз. Масалан, кўп қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг орқа томонидаги хиёбон. Бу ерда қучоқлашган йигит-қизлар битта-иккита эмас, кўп. Баъзан етти-саккиз жуфтни ҳам кўрасиз. Деярли ҳаммаси ўзимизнинг миллатдан. Туш пайти. Атрофда одамлар ўтиб турибди. Биров кулиб, биров ижирғаниб, биров масхаралаб, биров ғудраниб кўз қирини ташлаб қўяди. Бироқ эҳтиросга берилган жуфтлар парво қилишмайди. Умуман, атрофда одамлар борлигини унутиб қўйишади. Беҳаёлик — маънавий касаллик.

Бир куни Германиядан ҳамкасб меҳмонлар келишди. Уларни Тошкентдаги кафелардан бирига тушликка таклиф қилдик. Кириб ўтиришимиз биланоқ, ҳали овқат келмасидан олдин уч нафар ярим яланғоч қиз кириб келди ва қаршимизда туриб илондек буралиб ёқимсиз қилиқлар қила бошлашди.

— Ўх-ҳў, ўзбек қизларими?! — деди меҳмонлардан бири.

— Йўқ, — дедим мен номусга чидай олмай, — булар ишлаб пул топиш учун ҳориждан келган қизлар.

Афсуски, улар ўзбек қизлари эди. Бундай беҳаё қизлар Тошкентнинг нафақат кафе ва ресторанларида, балки меҳмонхоналарида ҳам оз эмас. Хорижга чиқиб пул ишлаб келаётган беҳаё қизларнинг эса ҳали таноби тортилмаяпти. Бундай аҳвол, шубҳасиз, Африкадагига ўхшаб юқумли таносил касалликларининг авж олишига, Ғарбий Европадаги каби бир жинсли никоҳнинг пайдо бўлишига, энг ёмони, насл-насабнинг бузилиб, авлод-аждоднинг унутилишига сабаб бўлади. Бундай аҳвол, албатта, шарқона маънавиятнинг сўниб, миллий қадриятларнинг йўқолишига олиб боради. Қандай яшаш кераклиги ҳақида бизга ақл ўргатиб, йўл кўрсатаётганлар ана шуни истайдилар. Наҳотки, маънавияти юксак ва қадриятлари қадр топган, ор-номусли ва иймон-эътиқодли бизнинг халқимиз ана шундайларнинг иғволари-ю ғавғоларига учса?! Йўқ, одобни, ахлоқни, маънавиятни бошқалар биздан ўргансин!

Беҳаёлик, андишасизлик, ободсизлик, ахлоқсиз одатларга фақат шахсий ҳаётда эмас, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда, умуман, жамиятда йўл қўйиб бўлмайди. Кўплар демократияни цивилизациянинг кўринишларидан бири деб тушунишади. Бу тўғри. Бироқ ҳаммаси демократияни ким қандай тушунишига боғлиқ. Бировлар танқидбозликни, сафсатабозликни, бошбошдоқликни демократия деб тушунишса, бировлар ёши ёки лавозимидан қатъи назар юз-хотир қилмасликни, оғзига келганини ва хаёлидан ўтганини гапиришни, айниқса, раҳбар ходимларни обрўсизлантиришни, ҳукуматнинг қўйган ҳар бир қадамини танқид қилишни, ўзига нима маъқул бўлмаса ўз норозилигини баён қилишни, хуллас, андишасиз ва одоб мезонларисиз ўз билганича қилинган ҳаракатни демократия деб қабул қилишади.

Бироқ мантиқан фикрлайдиган бўлсак, бизнинг қонимизга, вужудимизга, ҳаётимизга сингиб кетган шарқона маънавият, ўзбекона одоб ва андиша ўзгалар томонидан тиқиштирилаётган сунъий ва ахлоқсиз маънавият билан сингишиб кетолмайди. Бу масалада чуқур мулоҳаза қилиб кўрайлик. Шарқда қадимдан ва ҳозир ҳам одоб, андиша, ибо, каттага ҳурмат, оқсоқолни тинглаш, ёшидан қатъи назар раҳбарга бўйсуниш, юрт улуғларининг топшириқ ва буйруқларини бажариш маънавият мезонлари ҳисобланади. Шуни унутманг, обрўсизланган, бошбошдоқликка йўл қўйган раҳбар юртни, жамоани, жамиятни бошқара олмайди, қадр топмаган қария эса элюртга, маҳаллага, ҳатто ўз қавмига ҳам оқсоқоллик қилолмайди. Демак, шарқона ҳаёт ва маънавиятга ғарбча ҳаёт ўзагини ташкил этган шахс индивидуализми тўғри келмайди. Биз одоб етим-есир ва бева-бечорага саховат, камбағал ва муҳтожга ёрдам, қарияларга эътибор, халққа ош бериш, тўй, маъракa ва маросимларда халқнинг бошини қовуштириш — буларнинг ҳаммаси мазмунмоҳияти халқчилликдан иборат шарқона демократиянинг асосларидир. Бу унинг якка шахс индивидуализмига асосланган ғарб демократиясига нисбатан ажралиб турадиган устунлик томонларидир.

Фақатгина ўзини ўйлаш, ўзимга бўлсин дейиш, ўзгача яшаш ва ўзича фикрлаш, умуман, худбинлик ва ёлғизлик шарқона маънавиятга бутунлай ёт. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг маънавиятимиз асл демократияга ўхшайди. Бизнингча, ҳамма нарсани инкор этадиган, танқидбозликка берилган, муроса йўлини танламаган, эркинликни ва одобни суиистеъмол қилиб ўзгалар билан ҳисоблашмайдиган, ўзгалар шаънини, динини, урф-одатларини, миллий қадриятларини топтайдиган, сунъий тартиб-қоидаларни тиқиштирадиган худбин фуқаролар жамияти халқчиллик ва меҳр-мурувват ғоялари билан суғорилган, одамлар дарди билан яшайдиган ор-номусли, иймон-эътиқодли ва саховатли фуқаролар жамиятига нисбатан ҳамкорлик қилишга ҳақли эмас. Биз буни ақлидрок билан англаб етмас эканмиз, ўзлигимиздан узоқлашаверамиз, ўзгалар таъсирига тушаверамиз.

Иброҳим НОРМАТОВ

ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

Норин туманидаги Норинкапа қишлоғида янги иқтисодиёт коллежи биноси қуриб фойдаланишга топширилди. 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланган 900 ўринли замонавий коллеж нафақат норинкапаликларнинг, балки бутун туманнинг фахрига айланди.

Мазкур коллежнинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов ва бошқа мутасаддилар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури изчиллик билан амалга оширилаётгани, ёшларнинг илм олиб, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, турли соҳаларга ихтисослашган худди шундай янги коллеж бинолари Мингбулоқ, Уйчи, Янгиқўрғон ҳамда Чуст туманларида ҳам ёшларга тантанали тарзда топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

МАХСУС СОВҒА РУСТАМГА НАСИБ ЭТДИ

27 сентябрь куни ФИДЕнинг жаҳон чемпионлиги учун Сан-Луис (Аргентина)да бошланган нуфузли мусобақа якунланди. Унда дунёнинг етакчи саккиз нафар халқаро гроссмейстери ғолиблик учун кураш олиб борди.

Аввал хабар берганимиздек, жаҳон чемпионатининг сўнгги турида Рустам Қосимжонов венгриялик Петер Лекога қарши дона сурди. Қирқ тўққиз дақиқаю 23 сония давом этган мазкур партияда ҳамюртимизнинг омади чопмади.

Ўн тўртинчи турнинг қолган барча учрашувларида дуранг натижа қайд этилди. Унда Пётр Свидлер (Россия) — Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария) — Юдит Полгар (Венгрия), Александр Морозевич (Россия) — Майкл Адамс (Англия) жуфтликлари ўзаро куч синашганди.

Жаҳон чемпионатининг якуний жадвали эса қуйидагича кўриниш олди: 1) Топалов — 10 очко; 2-3) Ананд, Свидлер — 8,5 тадан; 4) Морозевич — 7; 5) Леко — 6,5; 6-7) Қосимжонов, Адамс — 5,5 тадан; 8) Полгар — 4 очко.

16 октябрь куни мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда янги жаҳон чемпиони Веселин Топаловга ФИДЕнинг шоҳмот тожи топширилди. Шунингдек, болгариялик гроссмейстер 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни қўлга киритди. Чемпионатда бир хил очко жамғарганлиги туфайли қўшимча коэффициентлар ҳисобига кўра, Вишванатан Ананд иккинчи поғонани эгаллади ва 200 минг АҚШ долларига сазовор бўлди. Петр Свидлер (Россия) 140 минг АҚШ доллари билан тақдирланди.

Ўн тўрт имкониятдан 5,5 очко жамғарган собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бу гал олтинчи ўрин билан кифояланди. ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов мусобақа якунида ҳамюртимизга турнирнинг махсус совғасини топширди. Бундан ташқари, Рустам 70 минг АҚШ долларини қўлга киритди.

Суратда: *ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ФИДЕнинг махсус совғаси билан.*

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

12-15 октябрь кунлари Чирчиқ шаҳрида ёзги биатлон бўйича Осиё очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Япония, Жанубий Корея, Қозоғистон, Россия, Туркия, Латвия, Қирғизистон сингари ўнга яқин давлатлар спортчилари ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Хабарингиз бор, спортнинг қишки биатлон тури дунё миқёсида кенг оммалашган. Ҳатто, қишки Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган ушбу тур бўйича жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакати спортчилари медаллар учун муросасиз баҳс юритиб келишмоқда. Кейинги пайтларда ёзги биатлон тури ҳам халқаро миқёсда жадал ривожланяпти. Жумладан, республикамизда спортнинг мазкур техник ва амалий турининг янада оммавийлигини ошириш борасида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти айниқса, жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда «Ватанпарвар» ташкилоти тизимида фаолият кўрсатаётган ўқув-спорт корхоналаридаги мавжуд 747 та секцияда ўн беш минг нафарга яқин йигит-қиз ёзги биатлон бўйича ўз маҳоратини ошираётганлиги сўзимиз исботидир.

Чирчиқдаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуида уюштирилган нуфузли мусобақада ҳам вакилларимиз муносиб иштирок этди. Осиё очиқ чемпионати дастуридан жой олган спринт, қувиб етиш, оммавий старт баҳслари бўйича тўрттадан олтин ва кумуш, 3 та бронза медалига сазовор бўлган спортчиларимиз якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Россия ва Қозоғистон терма жамоалари фахрли иккинчи ҳамда учинчи поғоналарни банд этдилар.

Биатлончиларимизнинг ушбу ғалабасига Руслан Носиров, опасингил Зарема ва Эвилина Мамедова, Мурод Ҳожибоев сингари маҳоратли спортчиларимиз катта ҳисса қўшишди.

Эркин ХОЛБОБО

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

«... ШАҲАР ИЧИДАГИ ШАҲАРЧА»

Маҳалла — Ўзбекистонимизда маъмурий-ҳудудий бирлик. Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган тамойил. Бутун жаҳонда унга ҳайрат ва ҳавас билан қаралади. Истиқлол туфайли ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитилган маҳалла тизими, ҳуқуқий демократик жамиятнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Шу боис ҳам бутун мамлакатимизда маҳаллаларни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юнусобод туманидаги «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғинида 6200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 1 та ўрта мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу йил маҳаллада маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ташкил этилди. Болалар спортини ривожлантириш мақсадида турли мусобақалар ўтказиш анъанага айланди.

— Маҳалламиздаги уйларнинг аксарияти кўп қаватли, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Омон Нурхўжаев. — Тўртта уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатади. Бугунги кундаги энг долзарб муаммолар қаторига кирувчи коммунал хизматлардан қарздорликни камайтириш, уй-жойларни қишки мавсумга тайёрлаш масалалари борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Маъмуржон МАҲМУД

Суратда: *маҳалланинг бир гуруҳ фаоллари*

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

«СИҲАТГОҲИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!»

дейди «Чимён» оромгоҳи бош шифокори Каримжон РАҲМОНОВ

Фарғона томонларга йўлим тушмаганига анча бўлувди. Камчиқ довонидан ўтаётиб, амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ҳайратландим. Боиси, бир замонлар довон йўлидан ўтиш хатарли бўлганини ҳамма яхши билади. Ҳозир эса бошқача манзара — кенг, равон йўллар... Кўп ўтмай Қўқон, Бағдод тумани ҳам ортда қолди. Олтиариқ тарафларга яқинлашарканмиз, худди куёвнавкарлардек тизилган мирзатеракларни кўриб, раҳматли акам, таниқли журналист Жўра Холқосимовнинг гаплари ёдимга келди. У киши қаерда ана шундай теракзорларни кўрсалар, албатта фарғоналикларни эслардилар. Аслида водийнинг баҳаво ва кўм-кўклиги бу ердаги серҳосил боғлару ана шу теракзорлардан бўлса ажаб эмас.

Ниҳоят манзилга ҳам етиб келдик. Каттагина дарвоза пештоқида: «Чимён» санаторийси» деган ёзувлар кўзга ташланади. Ҳар сафар Фарғонага келганимда бир қўшиқ сўзлари тилимда айланади. Унда айтилишича: «Бир келсам баҳор эди, навбаҳор наҳор эди. Қуёш тоғдан мўралаб, булутни йиртор эди». Буни қарангки, мен келган чоғда «Чимён»да ана шундай манзара намоён бўлиб турарди. Оромгоҳ ичкарисига кирган киши ўзига хос файз-тароват, саранжом-саришталик, муҳими, покизалик борлигининг гувоҳи бўлади.

— Хуш келибсиз, марҳабо, бизнинг масканга, — деб қарши олади истараси иссиқ, чеҳрасидан нимкулги аримайдиган бир киши, оппоқ халатли шифокорлар даврасидан мен томонга пешвоз чиқаркан.

— Танишиб қўяйлик, шу оромгоҳнинг бош шифокори Каримжон Раҳмонов бўламан.

— Алоҳида меҳмон кутгандек, бундай мулозаматдан ҳайронман, — дедим бироз ҳаяжонланиб.

— Бизда таомил шундай. Меҳмонни кутиб олиш, кўнглига қараш бурчимиз. Муҳими, бу масканга ташриф буюрган ҳар бир инсоннинг кўнгли ранжимаса, биз ўз вазифамизни адо этган бўламиз...

Мен ажратилган хона сари оҳиста борарканман, бобомиз Ибн Синонинг шифокорлар ҳақида айтган сўзлари ёдимга келди. У кишининг фикрларига қараганда, шифокор аввало, хастадил билан ширин муомалани ўрнига қўйиши, кейин давога ўтиши, сира бўлмаса, тиғ ишлатиши жоиз экан.

Эртасига эрталаб сўлим хиёбонлар бўйлаб сайр этарканман, яна бош шифокорга рўпара бўлдим. У киши бу ерда амалга оширилаётган ишлар, оромгоҳнинг тарихи ҳақида сўзладилар.

— «Чимён» оромгоҳига 1979 йили асос солинган, — деб гап бошлайди бош шифокор. — Ўшанда геологлар бу ердан шифобахш сув топишгандан кейин санаторийга пойдевор қўйилган. Сўзсиз, дастлабки ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилган. Ўрмонзорга айланиб кетган чинорларни ҳам арчаю мевали дарахтларни ҳам шу ерлик одамлар экишган. Кейинчалик замонавий биноолар, алоҳида хос хоналар, хизмат кабинетлари бунёд этилди. Тўғриси, шифобахш сувнинг хосияти катта. Шунинг учун ҳам дам олувчилар овқатланишдан 30-40 дақиқа олдин ана шу маъданли сувдан ичадилар. Бундай сув ошқозон фаолиятини яхшилайди. Ҳали ўзингиз гувоҳи бўласиз. Овқатланиш ҳам бизда оқилона ташкил этилган. Бу ерда маданий дам олиш, шифо топиш, ҳордиқ чиқариш учун барча шароитларни яратишга қўлимиздан келганча ҳаракат қилаяпмиз. Ушбу сиҳат масканига Венгрия, Чехия, Польша, Афғонистон каби хорижий давлатлардан дам олувчиларнинг келиши ҳам бежиз эмас.

Ҳар бир мижоз шифокор назоратидан ўтгандан кейин унга мос даволар амалга оширилади. Физиотерапия, балчиқ билан даволаш, инголация ва бошқа даво турлари қўлланилади. Бизнинг бирдан-бир вазифамиз «Чимён»га ташриф буюрган ҳар бир меҳмоннинг кўнглини овлаб, хизмат кўрсатишни янада яхшилашдан иборат.

Эргаш ХОЛҚОСИМОВ

«АБУ АЛИ ИБН СИНО»

Маълумки, Ибн Сино халқаро жамғармаси 1998 йилда ташкил этилиб, ўтган йиллар давомида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг ташаббуси билан «Абу Али ибн Сино мультимедиа-энциклопедияси», «Ибн Сино виртуал кутубхонаси» яратилди. «IBN SINO — AVICENNA» халқаро илмий-амалий журнали нашр этилмоқда. Энди эса жамғарма муассислигида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида «Абу Али ибн Сино» газетаси ҳам чиқа бошлади.

Газетага улуғ ватандошимиз номи берилганлиги бежиз эмас. Ибн Сино соғлом турмуш назарияси ва амалиётининг энг катта тарғиботчиси бўлган. Минг йил аввал бу улуғ тафаккур эгаси соғлом турмуш тарзи асосида руҳий, жисмоний ва тиббий йўналишлар ётишини алоҳида қайд этган. Саломатлик ҳомила она қорнида эканлигида бошланиши, шунинг учун соғлом турмуш тарзига қатъий амал қилиб бунда нафақат ўзимизнинг, балки болаларимиз, яқинларимиз саломатлигини ҳам ўйлашимиз лозимлигини уқдирган. Газета саломатликни сақлаш йўлида инсоният эришган янги кашфиётлар тўғрисида маълумотлар, саломатлик орқали инсон ҳаётининг ҳар фаслини гўзал қилиш сир-синоатлари тўғрисида қизиқарли мақолалар эълон қилиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

(Ўз мухбиримиз)

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси 2006 йил дастури асосида мукаммал таъмирланадиган умумтаълим мактаблари бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ УТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 9-1. Қумқўрғон тумани марказидаги 960 ўринли 33-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 164451,2 минг сўм.

Қурилиш муддати — 255 кун.

Лот 9-2. Бойсун тумани, «Бойсун» ширкат хўжалигидаги 620 ўринли 28-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 106066,5 минг сўм.

Қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 9-3. Жарқўрғон тумани, Н.Бойқўродов номли ширкат хўжалигидаги 600 ўрнили 36-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 102409,7 минг сўм.

Қурилиш муддати — 180 кун.

Лот 9-4. Денов шаҳридаги 1076 ўринли 78-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 149857,6 минг сўм.

Қурилиш муддати — 240 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

Жиноятга жазо муқаррар

ЖАҲОЛАТ ГИРДОБИДА

Хотининнинг дийдиёларидан зериккан Бафо Халилов таниши Шерматнинг «Юр жўра, чўлдаги дала шийпонда бироз дам олиб келайлик» деган таклифига рози бўлди. Ўғли Суннат ва Шермат билан йўлга тушдилар. Учовлон чўлда дунёнинг ташвишларини унутиб, қиттак-қиттак отишди. Шундан сўнг, қишлоққа қайтдилар. Йўлда Шермат Обидов машинадан тушиб қолди. Ота ўғли билан ҳовлига кириб келганда хотини Зуҳро унга ўшқира кетди.

— Сизга неча марта айтдим, уйга ичиб келманг деб. Ароқ берганлар қўшмазор бўлсин...

Аёл ҳовлини бошига кўтариб бақирар, оғзига нима келса қайтармасди.

— Сен — алкаш, ярим кечагача йўқолиб кетасан. Ахир, эрталаб тайинлагандимку, совчиликка боришимизни! Сендақа эрдан қачон қутуламан-а?

Бафо ўзини босолмади, алланималар деди. Хотин эса унинг ёқасига ёпишди.

— Ҳали сен мени ҳақоратлайдиган бўлдингми? Суннат, нега қараб турибсан? Ёрдам бермайсанми?

Шундай дея у эрининг бўғзига чанг солди. Бу орада Суннат қўлидаги таёқ билан отасининг бўйни аралаш урди. У ерга юз тубан йиқилди. Қутириб кетган она-бола уни даст кўтариб ёғоч каровотга ётқизишди. Бироздан кейин ўзига келган Бафо яна нимадир деди. Бундан баттар жаҳли чиққан Зуҳронинг кўзи қонга тўлди.

— Қани, Суннат отангнинг устига мин. Қўл-оёқларини ушла!

У эрини жони борича бўға бошлади.

— Энди умуман сўкинолмайсан...

Бафо бир зумда тинчиб қолди. Бу орада катта ўғил Муҳиддин ҳовли саҳнидаги томошадан воқиф бўлди. У отасининг юзига ҳушига келармикан, деб беозоргина шапатилади. Аммо Бафо қимир этмади.

— Отамни нега ўлдирдинглар? — Муҳиддиннинг бўғзига шу сўз тиқилди. — У киши сизларга нима ёмонлик қилди, ахир? Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, кўмиб қўямизда. Агар бировга бу ҳақда айтсанг, ўзингдан кўр.

Бу сўздан довдираб қолган Муҳиддин бошқа гапиролмади. Онасининг айтганларини бажарди.

Шўробод қишлоғида ҳамма тинч уйқуда. Биргина ҳовлида уч киши ер қазияпти. Мана, икки тўп анор орасида Бафо учун чуқур ҳам тайёр бўлди. Мурдани кир-чир матоларга ўраб кўмишди. Сўнг Зуҳро ўғилларига қатъий тайинлади:

— Оталаринг мол бозорига кетган, тушунарлими? Қолганини менга қўйиб беринглар...

Кунлар ўтаверди. Қишлоқда қўли гул уста Бафо Халилов кўринмай қолди. Хавотирланган Тоғбой ота ўғлиникига борди. Келинидан Бафони сўради.

— Ўғлингиз сигирни сотиб, телевизор ва магнитафонларга эҳтиёт қисмлар олиш учун Тошкентга кетди, — деди Зуҳро. — Ҳеч хавотирланманг.

Ота ота-да, кўнгли тинчимади. Яна икки кундан кейин келди.

— Нега келмаяпти? Бунчалик узоқ қолиб кетмасди болам.

— У киши 2-3 кунга Андижондаги дўсти Обидникига бораман деганди, ўша ёққа кетган бўлиши мумкин, — деди келини.

Хавотири ошган чол келинига шарт қўйди:

— Ёлғон гапиришингни бас қил. Ҳозирнинг ўзида уйдан чиқиб, ўғлимни топиб кел! Топмагунинча қайтиб келма!

Зуҳронинг боши қотди, нима қилиш керак? Йўлини топди. Жиноий шериги ўғли Суннатга Самарқанд шаҳрига бориб, марҳум отасининг номидан қалбаки телеграмма жўнатишни тайинлади. Эрининг «касалини даволатиб қайтиши» ҳақида ёзилган «телеграмма» Зуҳрога келтириб берилди. Ўз навбатида у хабарни қайнотасига етказди.

— Мана, ўғлингиз Самарқандда даволаниб юрган экан. Сизлар эса менга ишонмайсизлар, — деб телеграмчинқириб юборди.

— Ўшанда 2005 йилнинг 12 май куни эди, — деб хотирлайди Шўробод қишлоғида яшовчи мўйсафид Шоназар Шомуродов. — Бутун қишлоқ аҳли кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеанинг шоҳиди бўлди. Ҳаммамизнинг дилимиз оғриди. Шунчалик қабиҳлик, разиллик бўладими? Қаранг, олдинроқ орган ходимлари ҳовлини остин-устун қилишиб, мурдани топишолмади. Ўзим ҳам томорқани бир неча бор айлангандим. Икки туп анорга ўралган қовоқ палаклари остини ковлаб кўриш кимнинг хаёлига келибди дейсиз? Бафонинг ҳовлисида товуқ кўп эди. Иккита ит ипсиз юрарди. У сирли йўқолгандан сўнг товуқлар негадир кўринмай қолди. Итлар эса бойлиқ турадиган бўлди. Ўшанда бунга ким эътибор берибдию, кимнинг ақли етарди дейсиз?

Шоназар Шомуродовнинг айтишича, Зуҳро билан Бафо Тошкентда ўқиган кезлари севишиб қолишган. Зуҳро 1951 йилда Сирдарё туманида туғилган. 1972-1975 йилларда Тошкент шаҳридаги ҳунар мактабларининг бирида ўқиган. Бафо телерадио таъмирлаш устаси, Зуҳро эса тикувчи. Тўйлари Шўрободда бўлган. Уларнинг оиласида ҳамма нарса бор... Ҳеч нарсага муҳтожлик сезишмаган. Хўш, шундай экан Зуҳро нега эрининг қотилига айланди?

Томорқага бу орада икки-уч марта сув оралади. Ерни ағдаришга тушган Тоғбой отанинг кенжа келини Садоқат Ҳамроева анча чўкиб қолган чоҳдан чиқиб турган оёққа кўзи тушиб,

— Оиладаги ҳамма сирни раҳматли Бафо ўзи билан олиб кетди, — дейди Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Авезмурод Саидов. — Яқинда Муҳиддин деган ўғлини уйлантираман деганди. Ўзи жуда қўли очиқ одам эди. Маҳаллада қандай хайрия тадбирини ўтказмайлик, у албатта, ҳомийлик қиларди. Болаларига келсак — ҳаммасининг касби бор...

— Бафо менга жиян бўлгани учун уни яхши биламан, — дейди Шоназар Шомуродов. — Кейинги пайтларда кенжа ўғли Суннат турли қилиқлар чиқарди. Отасининг анча пулини номаъқул ишларга сарфлаганини биламан. Бафо эса уйдаги гапни кўчага чиқаришни хоҳламасди.

Тергов ва суд жараёнида Зуҳро Абдиева қилмишларига тўла иқрор бўлди. У 14 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Отасини ўлдиришда кўмаклашган Суннат эса бугун қидирувда, қаерлардадир писиб юрибди. У жазодан вақтинчалик қочгани билан отасининг нотинч арвоҳи, қолаверса, виждон азоби падаркуш ўғилни тинч қўярмикин?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 854
6460 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 21.30
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda